

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазири
А.Ҳ.Тошқулов

« _____ » _____ 2021 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институт ректори
М.Э.Пўлатов

« _____ » _____ 2021 й.

**5A230701 – «Банк иши» (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги
бўйича махсус фанлардан магистратурага кириш синовлари**

**ДАСТУРИ
ВА
БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

САМАРҚАНД -2021

Тузувчилар:

А.Бектемиров, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Банк иши” кафедраси мудири и.ф.н., доцент

З.Д.Ниёзов, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Банк иши” кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.н.

Тақризчилар:

З.Ш.Ҳайдаров, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Банк иши” кафедраси доцент в.б.

Х.Л.Сирожқулов, “Ипак Йўли” АИТБ Умар минтақавий филиали бошқарувчиси

Дастур Олий Таълимнинг “Банк иши” таълим йўналишида ўтилган фанлар, хусусан, “Банк иши” фани мажмуасини ўзида акс эттирган.

Мазкур дастур 5A230701 – Банк иши (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича махсус фанлардан магистратурага кириш синовларини топширувчиларга мўлжалланган.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Банк иши” кафедрасининг 2021 йил 24 июндаги йиғилишида кўриб чиқилган ва тавсия этилган (11-сон баёни).

Мазкур дастур Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув-услубий Кенгашининг 2021 йил ___ июндаги йиғилишида муҳокама қилиниб тавсия этилди (___-сон баённома).

КИРИШ

Бугунги кунда республика банк-молия тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг барқарорлигини ошириш, банклар фаолиятини ва бутун банк тизимини баҳолашга нисбатан ёндашув ва услубларни тубдан ўзгартириш, унинг умумқабул қилинган халқаро тамойиллар, стандартлар ва меъёрларга ҳамоҳанг тарзда ривожланишини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли, 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-5992-сонли, 2020 йил 5 октябрдаги ““Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-6079-сонли Фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3270-сонли, 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3620-сонли, 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4699-сонли Қарорлари ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида қабул қилинган дастурий меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг худудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлашда “Банк иши” мутахассислиги бўлиб ҳисобланади.

Дастур “Банк иши” мутахассисликларини тайёрлаш ўқув режадаги “Банк иши” фанининг мавзуларини ўз ичига қамраб олади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаштириш шароитида бошқарув дастакларининг, шу жумладан банк фаолиятини роли кун сайин ошиб бормоқда. Банк тизими фаолиятини ривожлантириш зарурати мамлакатимизда “Банк иши” йўналишида замон талабларига жавоб бера оладиган етук кадрлар тайёрлашга бўлган талабни янада оширмоқда.

“Банк иши” мутахассислиги бўйича магистрлик даражасини олиш учун бакалаврлар икки ўқув йилидан иборат муддатда банк ишининг назарий, амалий, ташкилий ва бошқа жихатлари бўйича чуқур билимга эга бўлишлари, профессионал хизматларни кўрсата билиши, банк

мижозларининг молиявий фаолиятини таҳлил қила олиши, холисона баҳолашлари, улар бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилишлари, шунингдек банк иши фанинг назарий, методологик ва ташкилий муаммолари бўйича ўз фикир мулоҳазаларини илмий ҳамда назарий жиҳатдан баён этиш қобилиятига эга бўлишлари лозим бўлган кадрларни танлаш мақсадида кириш синовлари дастури ишлаб чиқилган.

Айнан шу мақсадлар “Банк иши” мутахассислиги бўйича магистратурага кириш ва ундан ушбу мутахассисликка доир чуқур билимларни олиш талабини қўймоқда.

Дастурнинг мақсад ва вазифалари

Мутахассислик бўйича магистратурага ўқишга кирувчилар учун мўлжалланган синов дастурининг асосий мақсади ва вазифаси банк тизими соҳасини ривожланиши ва фаолият юритишининг назарий, амалий жиҳатлари билан боғлиқ тизимларга тааллуқли мавзулар ва саволларни баён қилишдан иборат. Шунингдек дастур саволларга берилган жавобларнинг баҳолаш мезонларини ҳам белгилаб беради.

“Банк иши” мутахассислиги бўйича магистратурага ўқишга кирувчи бакалаврларнинг билимига, тайёргарлигига ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар

- Банк фаолиятининг хусусиятлари;
- Банк хизматларини амалга ошириш;
- Тижорат банкларини бошқариш;
- Банк хизматлари бозори муаммоларини ҳал этиш усулларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- Банк соҳасининг жорий фаолиятини доимий ўзгариб турувчи бозор конъюктураси асосида таҳлил қилиш ва ўз вақтида унга мослаша олиш;
- Банк фаолиятини бошқара олиш ва ташкил этишни такомиллаштириш масалалари бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш;
- Банк фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш бўйича вариантларни ишлаб чиқиш ва уларнинг танловини ижтимоий иқтисодий самарадорлик мезонлари билан асослаш;
- Тижорат банкларининг бошқа нобанк ташкилотлари билан ўзаро алоқасини аниқлаш;
- Банк ресурслари: уларни шакллантириш, йуналтириш, режалаштириш ва бошқариш;
- Муаммоли вазиятли масаларни ечиш;
- Ижтимоий таёргарликнинг аниқ соҳаси билан боғлиқ асосий ҳодиса ва жараёнларни билиш ва улардан илмий-тадқиқот усулларида фойдаланиш;

- Банк маҳсулотлари бозорининг муаммолари ҳақида малакага эга бўлиш;
- Банк фаолиятини таҳлил қилиш;
- Банк хизматлари ва маҳсулотлари бозори муаммоларининг асосий иқтисодий талабларидан келиб чиқиб мутахассис илмий-педагогик фаолиятни олиб бора олиш маҳоратига эга бўлиши ва уни ривожлантириб бориш қобилиятига ҳам эга бўлиши зарур.

Махсус фанлардан синов мавзуларини бошқа умумқасбий фанлар билан алоқаси

Махсус фанларни ўрганиш давомида бакалавр уни бошқа умумқасбий фанлар билан узвий боғлиқлигини тушунган ҳолда микро ва макро иқтисодий даражада, шунингдек иқтисодиёт, бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик, сервис ва бошқа муносабатларининг ролини ва ўрнини кўрсатиб бераоладиган даражада билишлари лозим.

Махсус фанларни ўрганиш магистратурага синов топшириб кириш учун тайёргарлик кўришда асос бўлиб ҳисобланади. Шу боис, махсус фанлардан тузилган синов саволларига жавоб беришда қуйидаги фанлар билан, яъни, “Иқтисодиёт назарияси”, “Микроиқтисодиёт”, “Макро иқтисодиёт”, “Молиявий таҳлил”, “Молия”, “Инвестиция”, “Аудит”, “Молиявий менежмент” ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлигини эътироф этиш муҳимдир.

“БАНК ИШИ” фани бўйича:

Тижорат банкларининг таркибий тузилиши, вазифалари ва банк ҳужжатларининг турлари

Тижорат банкларининг бошқарув органлари ва уларнинг тузилиши: акциядорлар умумий йиғилиши, банк кенгаши, банк бошқаруви. Банкнинг бош офиси, банкнинг минтақавий, шаҳар, туман филиаллари, банк бўлимлари, минибанклар. Банк фаолиятида қўлланиладиган ҳужжатларни юритиш ва расмийлаштириш: далолатнома, ариза, тафтиш хулосаси, кредит хулосаси, даъво аризалари, расмий хат ва бошқа ҳужжатлар.

Банкларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни

Ўзбекистон банк тизимининг юзага келиши. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва икки поғонали банк тизимининг яратилиши.

Банкларининг макроиқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашдаги роли. Банкларнинг узок муддатли кредитлари хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг муҳим манбаи сифатида. Тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитларининг хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг узлуксизлигини таъминлашдаги аҳамияти. Аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда тижорат банкларининг истеъмол ва ипотека кредитларининг ўрни ва аҳамияти. Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда тижорат банклари кредитларининг аҳамияти.

Пулнинг пайдо бўлиши, зарурлиги ва функциялари

Пул, унинг келиб чиқиши ва зарурлиги. Қиймат шакллари эволюцияси. Қийматнинг оддий ёки тасодифий шакли. Қийматнинг тўлиқ ёки кенгайтирилган шакли. Қийматнинг умумий шакли. Қийматнинг пул шакли. Олтин пул сифатида. Пулнинг моҳияти. Пулнинг ўзига хос хусусиятлари. Пул умумий эквивалент сифатида. Пул шакллари ва турларининг эволюцияси. Тўлақонли ёки ҳаққоний пуллар: уларнинг турлари ва эволюцияси. Кредит пуллари ва уларнинг турлари: вексель, банкнота ва чек. Қоғоз пулларнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси. Электрон пуллар. Товар пуллар. Пулнинг функциялари: қиймат ўлчови функцияси; муомала воситаси функцияси; тўлов воситаси функцияси; жамғариш воситаси функцияси; жаҳон пули функцияси. Пулнинг функциялари бўйича Европа ва Америка мактаблари тарафдорлари қарашлари: алмашув воситаси функцияси, ҳисоб бирлиги функцияси, жамғариш воситаси функцияси.

Пул массаси ва пул агрегатлари

Пул массаси, унинг моҳияти ва таркиби. Пул массасини миқдорий ўлчаш. Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш. Пулнинг айланиш тезлиги. Пул мультипликатори. Монетазация коэффициенти. Пул агрегатлари ва уларнинг таркиби. Федерал резерв тизимининг пул агрегатлари. Европа давлатларида пул агрегатлари. Россия Федерациясида пул агрегатлари. Ўзбекистон Республикасида пул агрегатлари ва уларнинг таркиби.

Ўзбекистон Республикаси пул тизими ва унинг элементлари

Ўзбекистон Республикаси пул тизими ва унинг ривожланиши. Миллий пул тизими элементларининг шаклланиши. Миллий валюта. Миллий валюта сумнинг муомалага киритилиши. Ўзбекистон Республикаси пул тизимининг субъектлари ва уларнинг вазифалари. Миллий валюта курси ва унга таъсир этувчи омиллар. Пул тизими барқарорлигини таъминлаш йўллари.

Инфляция ва унга қарши курашиш йўллари

Инфляция тушунчасининг мазмуни. Инфляцияни юзага келтирувчи сабаблар. Инфляциянинг турлари: талаб инфляцияси; таклиф инфляцияси; яширин инфляция; судралувчи инфляция; шиддатли инфляция; гиперинфляция; локал инфляция; глобал инфляция. Инфляция манбалари. Инфляция ва ишсизлик. Инфляция ва давлат бюджети. Инфляциянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Инфляциянинг макроиқтисодий ўсиш суръатларига таъсири. Инфляциянинг инвестицион жараёнларга таъсири. Инфляциянинг аҳоли турмуш даражасига таъсири. Инфляцияга қарши курашиш йўллари. Пул массасини ўсиш суратларини назорат қилиш.

Кредитнинг зарурлиги, функциялари, турлари ва шакллари

Кредит ва унинг мазмуни. Кредитнинг зарурлиги. Фондлар айланиши ва кредитнинг зарурлиги. Кредит муносабатлари ва уларнинг турлари. Кредитнинг тамойиллари. Кредитнинг объектлари ва субъектлари. Кредитнинг функциялари. Кредит қонунлари. Кредитнинг турлари. Кредитнинг шакллари. Кредитлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Тармоқларни кредитлашнинг хусусиятлари. Иқтисодиётда кредитнинг роли.

Тижорат банклари пасивлари таркиби ва уларни жойлашиши

Тижорат банкларининг ресурслари, уларнинг таркиби ва тавсифи. Банкларнинг пасив операциялари, уларнинг турлари. Тижорат банклари пасив операцияларининг балансида жойлашиши. Тижорат банкининг капитали унинг таркиби ва етарлиликка қўйилган талаблар. Банк капитали ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари. Банк капитали етарлилик бўйича халқаро талаблар. Тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлари. Тижорат банкларининг депозит ва нодепозит операцияларининг тавсифи. Аҳоли пул жамғармалари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни. Аҳоли

омонатларини кафолатлашнинг ҳуқуқий асослари. Тижорат банкларининг кредит потенциали ва унинг аҳамияти. Банклараро кредит ресурслари, унинг аҳамияти ва уни ўтказиш тартиби. Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби.

Тижорат банкларининг ресурслари ва уларни бошқариш масалалари.

Тижорат банкларининг активлари таркиби ва уларни жойлашиши

Банк активлари таркиби ва уларни балансда жойлашиши. Банк активларининг сифати даражаси ва банк активларининг диверсификацияси. Тижорат банкларининг актив операциялари. Тижорат банкларининг активларини бошқариш усуллари. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари активларини бошқариш стратегияси. Тижорат банкларида мажбурий захираларни ташкил этиш тартиби ва унинг зарурияти. Эмиссия касса операцияларини амалга ошириш тартиби.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари

Қимматли қоғозлар тушунчаси ва унинг турлари. Қимматли қоғозлар бозори ва унинг иштирокчилари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ва тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари. РЕПО операциялари. Андеррайтинг операциялари. Траст операциялари. Қимматли қоғозлар билан баланс ва нобаланс операциялари. Фонд биржаси ва депозитарийлар фаолияти билан банк тизимининг ўзаро ҳамкорлик даражаси. Фонд бозорларига молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсири ва унда юзага келган танглик сабаблари ва оқибатлари.

Алоҳида кредит турлари

Алоҳида счёtdан кредитлаш ва кредит линиясини очиб кредитлаш тартиби. Контокоррент счётидан кредитлаш. Овердрафт бўйича кредитлаш ва уни ўзига хос хусусиятлари. Ломбард кредити ва ундан фойдаланиш имкониятлари. Револьвер кредитини бериш тартиби ва унинг аҳамияти. Истеъмол кредити ҳақида тушунча ва уни расмийлаштириш шартлари. Таълим кредитини бериш тартиби ва унинг аҳамияти. Ипотека кредити ва ундан фойдаланиш имкониятлари. Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга ажратиладиган кредитлар ва улардан фойдаланиш шартлари. Тижорат банклари томонидан синдикатлашган кредитларни бериш тартиби.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш

Кичик бизнес ҳақида тушунча ва унинг Республика иқтисодиётидаги ўрни. Кичик бизнесни кредитлашни ташкил қилиш асослари. Имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан хўжалик субъектларини кредитлаш тартиби. Кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби ва унинг аҳамияти. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларни тўлдириш учун ажратиладиган кредитларни ўзига хос хусусиятлари. Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби. Тижорат банклари томонидан микролизингни расмийлаштириш тартиби ва унинг аҳамияти. Кичик бизнес лойиҳаларини чет эл инвестицияси ва бошқа манбалар ҳисобидан молиялаш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис ҳамда касаначилик соҳаларининг барқарор ривожланишида банкларнинг роли.

Тижорат банкларининг янги хизматлари ва банклар фаолиятини тартибга солиш асослари

Тижорат банкларининг факторинг операциялари. Тижорат банкларининг лизинг операциялари. Тижорат банкларининг янги хизмат турлари. Тижорат банкларининг балансдан ташқари операциялари. Тижорат банкларининг даромадлари, харажатлари ва фойдаси. Тижорат банкларининг тўловга лаёқатлиги ва ликвидлиги. Тижорат банклари рисклари ва уларни бошқариш усуллари.

Иқтисодиётни пул-кредит орқали тартибга солиш

Пул-кредит механизмини тартибга солишнинг назарий асослари. Марказий банк пул муомаласини мувофиқлаштирувчи орган сифатида. Пул муомаласини тартибга солиш усуллари ва унинг хусусиятлари. Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсати. Марказий банкнинг мажбурий захира сиёсати. Марказий банкнинг очиқ бозор сиёсати. Марказий банкнинг валюта сиёсати. Нақд пул муомаласи ва уни ташкил этиш асослари.

**5A230701 – “Банк иши (фаолият турлари бўйича)” мутахассислиги
бўйича мутахассислик фанларидан магистратурага кириш синовлари
НАЗАРИЙ САВОЛЛАРИ**

1. Банк кредитининг қайтарилишини таъминлаш турлари, шакллари ва унинг аҳамияти.
2. Кичик бизнес учун бериладиган микрокредитлар ва уларни аҳамияти.
3. Тижорат банкларини хусусийлаштиришнинг асосий йўналишлари.
4. Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида корхоналарни қисқа муддатли кредитлаш асослари.
5. Тижорат банкларининг ташкилий тузилиши ва уларнинг фаолияти.
6. Инфляция, унинг мазмуни, кўринишлари, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари.
7. Евронинг муомалага киритилиши ва аҳамияти.
8. Мулкни гаровга олиш шартномаси, унинг мазмуни ва аҳамияти.
9. Банклараро кредитлар ва уларни аҳамияти.
10. Берилётган кредитни иқтисодий асосланганлиги ва таъминланганлиги.
11. Тижорат банклари активларининг тузилиши ва актив операциялар.
12. Корхоналарнинг айланма маблағлари ва уларнинг манбалари.
13. Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида узоқ муддатли кредитлаш.
14. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар тартибига бўйсунуш, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда банкларнинг мажбуриятлари.
15. Кредит рисклари ва уларни ҳисоблаш йўллари.
16. Ссудалар қайтарилиш муддатларининг белгиланиши, унинг хужжатлаштирилиши ва қопланиши.
17. Корхонанинг учинчи шахс кафолати бўйича кредитлаш.
18. Корхонанинг айланма маблағлари ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари.
19. Тижорат банклари кредит ресурслари ва улардан фойдаланиш.
20. Тижорат банклари актив ва пассив операциялари бўйича фоизлар.
21. Тижорат банкларини рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш.
22. Банкнинг акциядорлик жамияти сифатидаги тижорат фаолияти.
23. Банкларнинг аҳоли омонатлари бўйича операциялари.
24. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар аудити.
25. Тижорат банки даромадларининг шаклланиши ва ишлатилиши.
26. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг ўзаро муносабатлари.
27. Кичик бизнес соҳасини хорижий кредит линиялар ҳисобидан кредитлаш.
28. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари фаолиятини бошқаруви ва унинг аҳамияти.
29. Корхоналарни ёпиқ кредит линияси бўйича кредитлаш.
30. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари фаолияти устидан назорати ва унинг аҳамияти.
31. Корхонани суғурта полиси асосида кредитлаш ва унинг аҳамияти.

32. Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар.
33. Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида мажбурий захираларининг шаклланиши ва унинг аҳамияти.
34. Мулкни гаровга олиш шартномаси, унинг мазмуни ва аҳамияти.
35. Тижорат банклари ресурслари ва уларнинг таркиби.
36. Корхона баланси бўйича мухторият коэффицентини аниқлаш ва уни аҳамияти.
37. Кичик бизнесни нобюджет маблағлар ҳисобидан молиялаштириш.
38. Тижорат банки даромадларининг шаклланиши ва ишлатилиши.
39. Кичик бизнес соҳаларида кредит самарадорлигини таъминлаш.
40. Тижорат банклари актив ва пассив операциялари бўйича фоизлар.
41. Корхона айланма маблағларининг шаклланиши ва кредитнинг роли.
42. Тижорат банкларнинг активлари ва уларнинг гуруҳланиши.
43. Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг вазифалари ва операциялари.
44. Тижорат банкларининг лизинг операциялари ва уларнинг аҳамияти.
45. Халқаро кредитлашнинг асосий принциплари.
46. Аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблари ва уларнинг турлари.
47. Тижорат банкларнинг факторинг операциялари.
48. Тўлов балансининг дефицити ва унинг юзага келиш сабаблари.
49. Молиявий левераж, унинг қўлланиш турлари.
50. Сеньораж, унинг мазмуни ва юзага келиши.
51. Спрэд, унинг моҳияти ва юзага келиши.
52. Марказий банкнинг дисконт сиёсати.
53. Девиз сиёсати ва унинг асосий кўринишлари.
54. Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси.
55. Ўзбекистон Республикасининг замонавий банк тизими.
56. Корхона депозит ҳисоб рақамлари бўйича тўловлар навбати ва унинг аҳамияти.
57. Корхонанинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг кўрсаткичлар тизими ва уларга қисқача тавсиф.
58. Тижорат банкларининг турлари ва улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.
59. Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги тушунчаси ва бозор иқтисодиёти шароитида унинг аҳамияти.
60. Иқтисодиётни юксалишида банк кредитининг роли.
61. Банк хавфсизлигини таъминлаш асослари.
62. Тижорат банкларини ташкил қилиш ва ёпишнинг ҳуқуқий асослари.
63. Ломбард кредити ёки қимматбаҳо қоғозларни гаровга олиб бериладиган кредит.
64. Бозор муносабатларининг субъекти сифатида банклар фаолияти.
65. Банк акциядорлик капиталини шакллантириш.
66. Тижорат банки кредит сиёсати ва унинг мезонлари.
67. Тижорат банки капиталининг етарлилиги, унинг кўрсаткичлари ва аҳамияти.

68. Кредит шартномаси банк ва қарздор муносабатларнинг асоси сифатида, унинг мазмуни ва аҳамияти.
69. Тижорат банкларининг депозит операциялари.
70. Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва унинг вазифалари.
71. Тижорат банкларнинг халқаро операциялари.
72. Валюталарнинг алмашилиш шартлари.
73. Валюта паритети: мазмуни ва аҳамияти.
74. Валюта курси ва унинг режимлари.
75. Эркин алмашинадиган валюталар ва уларнинг алмашилиш шартлари.
76. Қисман алмашинадиган валюталар.
77. Товар демпинги, унинг ташқи савдодаги ўрни ва аҳамияти.
78. Умуман алмашинмайдиган валюталар.
79. Форвард шаклидаги валюта операциялари.
80. СВОП типидagi валюта операциялари.
81. Жорий валюта сиёсати.
82. Колл-опционлар: мазмуни ва аҳамияти.
83. Валюта муносабатлари ва уларнинг юзага келиш асослари.
84. Валюта тизими ва унинг асосий турлари.
85. Ностро ва Востро вакиллик ҳисоб варақаларини юритиш тартиби.
86. Девальвация: мазмуни ва мақсади.
87. Валюта фьючерслари билан боғлиқ операциялар.
88. Спрэд ва маржа тушунчаларининг мазмуни.
89. Ревальвация: мазмуни, мақсади ва аҳамияти.
90. Халқаро факторинг: мазмуни, амалга ошириш тартиби ва аҳамияти.
91. Девальвация: мазмуни мақсади ва аҳамияти.
92. Форвард типидagi валюта операциялари.
93. Валюта опционлари воситасидаги операциялар.
94. Валюта бозори ва унинг асосий турлари.
95. Валютавий чеклашлар: мазмуни, шакллари ва аҳамияти.
96. Марказий Банкнинг валюта интервенцияси.
97. Халқаро форфейтинг: мазмуни, амалга ошириш тартиби ва аҳамияти.
98. Халқаро кредит ва унинг асосий принциплари.
99. Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсатининг мазмуни ва аҳамияти.
100. Халқаро молия ташкилотлари ва уларни роли.

АМАЛИЙ САВОЛЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг функциялари ва вазифалари.
2. Банкдан ташқари пул оборотини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар.
3. Корхоналарнинг банклардаги депозит, ссуда ва бошқа ҳисоб рақамлари, улар бўйича операциялар.

4. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунга асосан кредитлашнинг асосий шартлари ва унинг аҳамияти.
5. РЕПО операциялари.
6. Банкларда кредитлаш жараёнининг босқичлари.
7. Молиявий иқтисодий-инқироз шароитида кичик бизнес, тадбиркорликни имтиёзли кредитлаш.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасаларининг пул-кредит операциялари.
9. Кичик бизнес лойиҳаларини хорижий инвестиция ҳисобидан молиялаштириш.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг монетар сиёсати ва уни амалга ошириш.
11. Истеъмол кредити, унинг аҳамияти ва ривожлантириш истиқболлари.
12. Чеклар бўйича ҳисоб-китоблар ва уларни амалга ошириш тартиби.
13. Тижорат банклари пасивларини бошқариш ва уларни таҳлили.
14. Факторинг операциялари бўйича ҳисоб-китоблар.
15. Тадбиркорлик субъектларини кредит линиясини очиб ва очмасдан кредитлаш.
16. Тижорат банкларининг кредит портфелини сифат жиҳатидан таҳлил қилиш.
17. Банк рисклари ва уларнинг турлари, олдини олиш йўллари.
18. Касса тўловларини бажарилиши бўйича тижорат банкларининг назорати ва тадбирлари.
19. Ссуда ҳисобрақамидан кредитнинг берилиш ва қопланиш тартиби.
20. Тижорат банклари активларини бошқариш ва уларнинг таҳлили.
21. Тижорат банклари касса айланмалари прогноз ҳисоб-китоблари, уларнинг мазмуни ва тузилиш тартиби.
22. Кредит ва у бўйича фоизларнинг ўз муддатида қопланиш мониторинги.
23. Муаммоли кредитлар ва улар бўйича тижорат банкларини бажарадиган ишлари.
24. Банкларнинг эмиссия-касса операциялари, уларни ташкил қилиш ва ҳисобга олиш тартиби.
25. Кредит учун фоиз ставкаси ва уни ҳисоблаш тартиби.
26. Корхоналарнинг тўловга қобилиятсизлик турлари ва сабаблари, уларни қисқартириш йўллари.
27. Дехқон-фермер хўжаликларини ва кичик корхоналарни кредитлаш, улар бўйича ҳисоб-китоблар.
28. Банклараро ҳисоб-китоблар уларнинг ҳисоби ва расмийлаштирилиши.
29. Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби.
30. Юридик шахсларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда корхона ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик таҳлили.
31. Тижорат банки кредитлаш жараёни ва унинг босқичлари.

32. Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида банк рискларини бошқариш усуллари.
33. Тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш.
34. Умумий баҳолаш ва корхонанинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш ва синфларга ажратиш.
35. Кредит рисклари ва уларни бошқариш.
36. Тижорат банклари активларининг рисклилиқ даражаси.
37. Кредит учун фоиз ставкаси ва уни тўлаш тартиби.
38. Жаҳон банки, унинг вазифалари ва функциялари.
39. Ссуда операцияларнинг аудити.
40. Корхона баланси бўйича ликвидлилиқ, қоплаш коэффицентларни аниқлаш.
41. Кичик бизнес соҳаларида инвестиция лойиҳаларини самарадорлигини баҳолаш.
42. Кичик бизнес корхоналарининг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш.
43. Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш масалалари.
44. Кредит ва валюта рисклари ва уларни бошқариш.
45. Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида муаммоли кредитлар ва уларни камайтириш йўллари.
46. Тижорат банки кредит портфелини диверсификациялаш.
47. Тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш усуллари ва йўллари.
48. Тижорат банкининг ликвидлилиги ва тўловга лаёқатлилиги, уни мустаҳкамлаш.
49. Банкларда мижозларнинг депозит счётларини очиш ва ёпиш тартиби.
50. Тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш усуллари ва йўллари.
51. Жорий операциялар баланси.
52. Капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати баланси.
53. Марказий банкнинг дисконт сиёсатининг мазмуни, аҳамияти ва амалга ошириш тартиби.
54. Спот ва форвард валюта операциялари: мазмуни, зарурлиги ва амалга ошириш тартиби.
55. Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар, уларга тавсиф.
56. Мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш.
57. Кредит рисклари, уларни баҳолаш усуллари.
58. Кичик бизнес корхоналарининг бизнес-режаси ва унинг таҳлили.
59. Иқтисодий нормативларни бузилганлиги учун тижорат банкларига қўлланиладиган чоралар.
60. Иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этишда тижорат банкларнинг вазифалари.
61. Овердрафт ва контокоррент счёти бўйича кредитлаш ва уларга тавсифнома.
62. Тижорат банки кредит портфели ва унинг таҳлили.
63. Банк ресурслари, уларни ташкил қилиш ва фойдаланиш усуллари.

64. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шакллари ва усуллари, уларга қиёсий тавсиф.
65. Кредит ҳужжатлари йиғмажилдини шаклланиши ва унга тавсифнома.
66. Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар, уларни амалга ошириш тартиби, ҳисоби ва расмийлаштириш.
67. Тижорат банкларида касса операцияларини ташкил қилиш ва ҳисобга олиш.
68. Тўлов топширикномалари бўйича ҳисоб-китоблар, уларни амалга ошириш тартиби.
69. Ўзбекистон Республикасида валюта сиёсати ва уни бошқариш услублари.
70. Жаҳон Валюта фонди, унинг мақсади ва вазифалари.
71. Европа валюта тизими ва Европа Марказий банки функцияси.
72. Тижорат банкларнинг валюта позицияси ва уни бошқариш.
73. Валюта демпинги, уни қўллаш имкониятлари.
74. Валюта резервларини диверсификация қилиш.
75. Тўлов баланси ва унга таъсир қилувчи омиллар.
76. Спот операциялари ва уларнинг хусусиятлари, қўлланилиши.
77. Мамлакатнинг халқаро валютавий тўловга қобиллиги.
78. Ҳисоб-китоб баланслари.
79. Корреспондент вакиллик муносабатларини амалга ошириш тартиби.
80. Спот курс: мазмуни ва аниқлаш тартиби.
81. Валютавий чеклашлар, уларни қўллаш зарурлиги, ижобий ва салбий натижалари.
82. Валюта курси ва унинг аниқлаш тартиби.
83. Миллий валютанинг алмашилиш шартлари.
84. Халқаро кредитларнинг фоиз ставкаси: мазмуни, турлари ва аниқлаш тартиблари.
85. Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси ва уни ҳал қилиш йўллари.
86. Кредит линияси очиш йўли билан халқаро савдони молиялаштириш.
87. Валюта хавф-хатарлари ва уларни бошқариш масалалари.
88. Инкассо шаклидаги халқаро ҳисоб-китоблар: мазмуни, амалга ошириш тартиби, афзалликлари ва камчиликлари.
89. Тижорат банкларининг очиқ валюта позициясини тартибга солиш.
90. Валюта курсининг асосий режимлари.
91. Эркин алмашинадиган валюталар: мазмуни, аниқлаш мезони.
92. Валюта резервларини диверсификация қилиш.
93. Банкларнинг қисқа валюта позициялари.
94. Банкларнинг узун валюта позициялари.
95. Кросс-курс ва уни ҳисоблаш усуллари.
96. Валюта рисклари ва уларни бошқариш усуллари.
97. СВИФТ тизими орқали халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш.
98. Марказий банкнинг валюта сиёсати.
99. Валютавий чеклашлар ва уларни қўллаш самарадорлиги.

100. Халқаро кредит линияларини Ўзбекистонга жалб қилиш масалалари.

МАСАЛАЛАР

1-масала.

Фараз қилайлик, Сизни Самарқанд шаҳри атрофида жойлашган туманлардан бирида очилаётган янги ОАТ «Банк» нинг маркетинг бўлимига ишга қабул қилишди. Банк томонидан ишлаб чиқилган режага кўра, тахминан 120 минг киши истиқомат қилувчи ҳудудга хизмат кўрсатилиши мўлжалланган. Янги банк ўз фаолиятини 2 ойдан сўнг бошлаши керак; банк олий раҳбариятида янги банк етарли миқдорда омонатчилар ва молиявий мустаҳкам миждозларни жалб қилиши мумкинлиги (шунингдек банк даромадлилигининг етарли даражада бўлиши ва келгуси ривожланишнинг молиявий манбасини яратиш) масаласида маълум шубҳалар мавжуд. Сиз банкнинг депозит базасини яратиш учун истеъмолчиларга биринчи навбатда таклиф қилиниши зарур бўлган хизматлар рўйхатини ишлаб чиқишингиз зарур. Раҳбарият Сизнинг олдингизга қуйидаги вазифаларни қўйди:

1. Қонунчилик талабларига мос келувчи ва банк томонидан таклиф қилиниши мумкин бўлган хизматлар рўйхатини тузиш.

2. Банкнинг даромадлилигини таъминлаш учун, маҳаллий жамоа талабига жавоб берувчи хизматларни таклиф қилиш учун маҳаллий бозор тўғрисидаги қандай маълумотлар зарурлигини аниқлаш.

3. Кўрсатилиши мумкин бўлган бўлган хизматларни икки турга бўлиш: биринчидан, банк очилиши билан истеъмолчиларга кўрсатилиши зарур бўлган хизматлар ва иккинчидан, келгусида (банкнинг ривожланиб бориши даврида) тақдим қилинадиган хизматлар.

4. Сизнинг фикрингизча, кенг жамоатчилик эътиборига янги банк шу ҳудудда жойлашган бошқа молиявий хизматларни кўрсатувчилардан нимаси билан фарқланиши ва унинг афзалликларини тўғрисидаги маълумотларни етказиш учун қандай кўринишларда реклама компанияси ўтказилиши керак?

2-масала.

Фараз қилайлик, Сиз сўнгги беш йил давомида бир ҳудудга хизмат кўрсатаётган, бир офисли (филиалсиз) банкнинг раҳбарисиз. Ҳудудда аҳоли ҳамда янги корхоналар сонининг тезкор ўсиши, шунингдек бозордаги улушингиз учун хавф тўғдираётган агрессив рақобатчиларнинг мавжудлиги

сабабли Сиз бир неча мини банклар ташкил қилишни режалаштирдингиз. Қуйидаги саволларга жавоб тайёрланг:

1.1. а) янги мини банкларни қаерда жойлаштириш керак, б) янги мини банклар қандай турдаги хизматларни таклиф қилиши зарур каби масалаларни ҳал қилишда Сиз қандай чора – тадбирларни амалга оширишингиз лозим?

1.2. Сиз (келгуси фаолиятни давом эттириш масаласини ҳал қилиш учун) ҳар бир мини банк самарадорлигини баҳолашнинг қандай усулларини қўллаш ниятидасиз?

1.3. Мавжуд маълумотлардан фойдаланган ҳолда, кўп филиалли банкларда бир офисли банкларга нисбатан қандай афзалликлар мавжудлигини аниқланг ва келгуси саволларга жавоб тайёрланг. Мини банкларни ташкил қилиш билан қандай камчиликлар ва муаммолар юзага келади? Бу камчилик ва муаммоларни бартараф қилишда қандай ғоялардан фойдаланмоқчисиз?

3-масала.

Банкнинг ташкилий структураси одатда банк ўз мижозларига қандай хизматларни таклиф қилаётганлиги ҳамда маркетинг тадқиқотларида қандай хизмат турларига асосий эътибор қаратишини билдиради. Афсуски, ташкилий структура банк муассассасида ваколатларнинг тақсимланиши, ҳар бир ходим томонидан бажариладиган ишлар ҳамда ким энг асосий қарорларни қабул қилиши тўғрисида жуда кам маълумот беради. Ўз шахрингиз (туманингиз) даги бир неча банклар билан алоқа ўрнатиб, улардан банк ташкилий структурасига тегишли маълумотларни олинг. Ҳар бир банкдан олинган маълумотларни таҳлил қилгандан сўнг, Сизда (фикрингизча) бир банк иккинчисидан нимаси билан фарқланишини аниқлаш имконияти бўладими? Ташкилий структурадаги фарқлар: а) ҳар бир банк ҳажмини; б) таклиф қилинаётган хизматлар спектрини; в) олий раҳбарият фалсафасини ҳамда бошқа омилларни акс эттирадими?

Гарчи имконияти бўлса, банк раҳбарлари ёки уларнинг ходимлари билан суҳбатлашинг. Улар банк мақсадлари, олий банк раҳбарияти фалсафаси, мажбуриятлар тақсимоти масалаларини бир хилда тушунган ҳолда қабул қилишганми? Фикрингизча суҳбатлашган ходимлар жорий ва стратегик мақсадларни, таклиф қилинаётган хизматлар ва қарорларни қабул қилиш жараёнларини тўлиқ тушуниб олишганми?

Фараз қилайлик, Сиз маслаҳатчи сифатида банк олий раҳбариятига ҳисобот тайёрлашингиз ҳамда ташкилий структура, таклиф қилинаётган хизматлар мажмуаси ва мажбуриятлар ва ваколатларни тақсимотида

Ўзгартиришлар юзасидан таклифлар тайёрлашингиз керак. Сизнинг таклифларингиз нималардан иборат бўлган бўларди?

4-масала.

Қуйида кўрсатилган ишларни амалга ошириш пайтида банкир қандай давлат муассасаларига мурожаат қилиши керак ҳамда у банк фаолиятига оид қандай қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан тўқнаш келади:

1. Янги банк очиш учун Бош лицензия олиш.
2. Янги филиаллар ва мини банклар (экспресс марказлар) ни очиш.
3. Банкларни бирлаштириш.
4. Банк фаолиятини тугатиш.
5. Валюта операцияларини амалга ошириш учун Бош лицензия олиш.
6. Хорижий молия – кредит ташкилотларининг кредит линияларидан фойдаланиш учун Бош шартномалар тузиш.
7. Бюджетдан ташқари фондлар маблағларини жалб қилиш юзасидан Бош шартномалар тузиш.

5-масала.

2020 йилда қўйилган энг муҳим вазифалардан бири сифатида: «Банк тизимини юқори билим ва тажрибага эга бўлган, замонавий фикрлайдиган юқори малакали ходимлар билан бутлаш, мутахассисларни янги йўналишлар бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш юзасидан:

- кредит ташкилотларини бошқаришда кредит ташкилотлари раҳбарлари ва таъсисчиларнинг иш нуфузини баҳолаш механизминини яратган ҳолда профессионал сифатларга эга бўлган шахсларнинг бошқарувда иштирок этишини таъминлаш;

- кредит ташкилотлари ходимларининг амалий ҳамда профессионал этикасини, банклар раҳбарлари ва ходимларининг мижозларга хизмат кўрсатиш ва банк сирига риоя қилиш юзасидан масъулиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш;

- банклар ходимларини муаммоли корхоналарни инқироз ҳолатида бошқариш йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, лойиҳавий молиялаштириш, инвестицион лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва амалга ошириш, зарар кўриб ишлайдиган ҳамда ночор корхоналарни тиклаш ва модернизация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- олиб бориладиган ишларнинг муҳим қисмларидан бири сифатида ҳукумат, ижро этувчи органлар, Банклар уюшмаси ва тижорат банклари билан биргаликда, банк фаолияти ва банк хизматлари соҳасида ходимларни тегишли миллий ва халқаро дастурларда иштирок этишини таъминлаш орқали уларнинг молиявий билим ва малакасини оширишдан иборат бўлади.

1. Банк тизими олдидаги ушбу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун Сиз қандай таклифлар билдирган бўлардингиз?

2. Мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш йўналишларида Сизнинг фикрингизча қандай янгиликларни киритиш зарур?

3. Ночор корхоналарни тиклаш ва модернизация қилиш юзасидан Сиз қўшимча тарзда қандай билимларга эга бўлишингиз керак?

4. Банк ходимларининг амалий ва профессионал этикаси деганда нимани тушунасиз? Сиз этик талаблар доирасидаги хусусиятларга эгамисиз?

6-масала.

Ахмедовлар оиласи истиқомат қилаётган уйини таъмирлаш учун ДТ «Халқ банк» филиалига кредит буюртмаси берди. Сўралаётган кредит суммаси 5,0 млн. сўм, муддати 3 йил, фоиз ставкаси йиллик 14%. Оила бошлиғи хусусий фирмалардан бирида ишчи бўлиб ишлайди, йиллик даромади 2,4 млн. сўм, рафиқаси ўрта мактаб ўқитувчиси йиллик иш ҳақи 3,6 млн. сўм. Оилада 2 нафар балоғат ёшига етмаган фарзанд бор (мактаб ўқувчилари), шунингдек уларнинг ўз уйи мавжуд. Банклардан бирида банк картаси очилган бўлиб, унинг ўртача қолдиғи 425,0 минг сўмни ташкил қилади. Оила бошлиғи ва унинг рафиқаси ўз ҳаётини 2,0 млн. сўмга суғурталаган. Қўл телефонига эга.

Банк филиали кредит буюртмасини кўриб чиқишда балл тизимидан (кредит скорингидан) фойдаланади деб фараз қилсак, Ахмедовлар оиласи кредит олиш эҳтимоли даражаси қандай? Банк филиали кредит ажратиш масаласини ижобий ҳал қилиши учун қўшимча ҳужжатлар ёки таъминот талаб қилиши мумкинми? Кредит бўйича фоиз ставкалари қандай тартибда ўрнатилади?

ДТ «Халқ банк» и кредит портфелини қандай тартибда шакллантиради? Бошқа тижорат банкларидачи? Улар ўртасида фарқ мавжудми? Балки Ахмедовлар ўзга тижорат банкидан анча имтиёзлироқ кредит олиши мумкинми?

7-масала.

АТИБ «Ипотекабанк» Самарқанд бўлимига Олимовлар оиласидан 125,0 млн. сўмлик ипотека кредитига буюртма келиб тушди. Кредит 15 йилга, кўп хонали уйдан квартира сотиб олишган мўлжалланган. Олимовлар оиласи банк бўлимига қандай ҳужжатларни тақдим этиши керак? Банк бўлими кредитлашнинг қандай шартларини қўйиши мумкин?

8-масала.

ОАТ «Агробанк» Сиёб филиалига Азизовлар оиласи (турмуш қуришганига 2 ой бўлган) 10 йил муддатга ҳовли сотиб олиш учун кредит буюртмасини берди. Гарчи кредит бўйича фоиз ставкаси Марказий банк қайта молиялаш ставкаси даражасида ўрнатилса, ойлик тўловлар миқдори қанча бўлади?

Алтернатив сценарийлар:

1. Гарчи банк сўралаётган кредитни ипотекасини ривожлантириш махсус фонди (марказлашган) маблағлари ҳисобидан ажратса, ойлик тўловлар миқдори ўзгарадими?

2. Фараз қилайлик, Банк кредит сиёсатидаги ўзгаришлар ҳисобига кредит учун фоиз ставкаси 10% га кўтарилди. Бундай шароит ойлик тўловлар суммасига қандай таъсир ўтказади? Банк мижоздан қўшимча ҳужжатлар ёки таъминот талаб қилиши мумкинми? Илтимос, жавобингизни асосланг.

3. Гарчи Азизовлар оиласи 15 йил ўрнига 10 йилга кредит олса (фоиз ставкаси Марказий банк қайта молиялаш ставкаси даражасида) нимадан ютуққа эга бўлади, нимада ютқзади?

9-масала.

Фараз қилайлик, Махмудовлар оиласи олий таълим муассасасида (бакалаврият) ўқиётган 2 нафар фарзанди учун 24000,0 минг сўм миқдорда таълим кредити олиш учун Ўзмиллийбанк Самарқанд бўлимига мурожаат қилди. Кредит таъминоти сифатида оилага тегишли бўлган, 2016 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, тўлиқ суғурталанган «Матиз» русумли автомобилни қўймоқчи.

Кредит буюртмасининг таъминоти сифатида автомобил олиниши мумкинми? Автомобил банк томонидан қандай баҳоланади? Автомобил қиймати таъминотга етадими? Кредитга бўлган талабни банк қандай қаноатлантириши мумкин?

Алтернатив сценарийлар:

1. Тахмин қилайлик, сўнгги икки ҳафта давомида бозорда автомобил баҳосининг пасайиб бориши кузатилган. Банк томонидан кредит ажратиш юзасидан қарор қабул қилиниши ушбу маълумот қандай таъсир ўтказади? Бозор ҳолати тўғрисидаги маълумотлар асосида банк кредитлаш шартларини қандай қилиб коррективировка қилиши мумкин? Илтимос, аниқ жавоб беришга ҳаракат қилинг.

2. Фараз қилайлик, Махмудовлар оиласи кредит таъминоти сифатида «Ўзбекинвест» суғурта компаниясининг суғурта полисини тақдим қилди. Уларнинг кредит олиш имконияти кўпаядими ёки аксинча ҳолат кузатиладими?

10-масала.

Жадвал маълумотлари асосида қуйидагилар ҳисоблаб чиқилсин:

- 1) йиллик ўсиш суръати:
 - а) пул базаси;
 - б) муомаладаги нақд пуллар (агрегат М0);
 - в) пул массаси (агрегат М2);
 - г) кенг пуллар (агрегат М2Х);
- 2) пул мультипликатори миқдори;
- 3) нақд пулларнинг пул массасидаги (агрегат М2) улуши, %да.

Жадвал

	01.01.2017й.	01.01.2018й.	01.01.2019й.
Заҳира пуллар (млрд сўм)	164,9	210,4	269,7
жумладан, банкдан ташқари пуллар	103,8	130,4	187,8
Талаб қилиб олинадиган депозитлар	87,3	162,5	149,5
Муддатли ва жамғарма депозитлар	97,2	81,2	111,0
Хорижий валютадаги депозитлар	69,4	80,5	190,9

11-масала.

Жадвал маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилсин:

- 1) пул массасининг (агрегат М2) олдинги даврга нисбатан ўсиш ёки пасайиш суръати;
- 2) умумий пул массасида (агрегат М2) нақд пул (агрегат М0) салмоғи, сўнгра бу жараёндаги динамика.

Жадвал

	2018 й.		2019 й.	
	1.01	1.04	1.01	1.04
Жами (млрд сўм)	374,1	360,4	448,3	473,8
жумладан:				
нақд пуллар	130,4	119,1	187,8	174,1
талаб қилиб олиндиған, муддатли ва жамғарма депозитлар	243,7	241,3	174,1	299,7

12-масала.

Германия бўйича келтирилган маълумотлар асосида қуйидагилар аниқлансин:

- 1) турли агрегатлар бўйича пул массасининг ўсиш суръати;
- 2) пул массасининг айрим агрегатлари ривожланишида ижобий ёки салбий тенденциялар.

Жадвал

	Агрегат М1	Агрегат М2	Агрегат М3
2016 й. (млрд евро)	916,9	1315,9	2181,8
2017 й. (млрд евро)	938,0	1330,9	2259,7
2018 й. (млрд евро)	1042,1	1454,3	2425,7
2019 й. (млрд евро)	1089,0	2583,2	2777,6
февраль 2020 й. (млрд евро)	1102,5	2559,1	2758,5

13-масала.

Маълумки, 2019 йил январида нақд пул айланмаси (агрегат МО) 1093,1 млрд ДМ, пул агрегати (МЗ) — 2746,9 млрд ДМ, МБ мажбурий захиралар ставкаси — 10%га тенг. Аниқлаш керак:

- 1) пул массасида (агрегат МЗ) нақд пул айланмаси улуши;
- 2) пул мультипликатори.

Пул муомаласининг муҳим тавсифномаси пул базасини ҳисоб-китоб қилиш ҳисобланади. Пул базаси нақд пул, тижорат банклари корреспондентлик счетларидаги маблағлар ва марказий банкдаги мажбурий захиралар йиғиндисини ифодалайди.

Пул базасини ҳисоб-китоб қилиш қуйидаги формула аниқланади:

$$ДБ = Н + К + О,$$

бу ерда:

Н – нақд пул,

К – тижорат банклари корреспондентлик счетларидаги маблағлар,

О – марказий банкдаги мажбурий захиралар.

14-масала.

Маълумки, 2018 й. Германияда муомаладаги нақд пуллар 246,8 млрд ДМ, тижорат банкларининг корреспондентлик счетларидаги маблағлар – 2745,0 млрд ДМ, марказий банкдаги мажбурий захиралар – 39522 млрд ДМни ташкил қилди. 2018 йил учун пул базасини ҳисоблаб чиқамиз.

15-масала.

Жадвал маълумотларидан фойдаланиб:

- 1) ҳар бир йил учун пул базасини ҳисоблаб чиқинг;
- 2) пул базаси динамикасини ва унинг бутун мамлакат пул муомаласи учун аҳамиятини аниқланг.

Жадвал

Йиллар	Нақд пул, млрд ДМ	Тижорат банкларининг корреспондентлик счетларидаги маблағлар, млрд ДМ	Марказий банкдаги мажбурий захиралар, млрд ДМ
2007	241\$	2903,3	41721
2008	242,6"	3043,8	46432

16-масала.

Маълумки, 2018 й. ялпи миллий маҳсулот ҳажми 3549,6 млрд ДМ, пул массаси (агрегат М1) - 916,9 млрд ДМни ташкил қилган. Пул муомаласи тезлигини аниқлаш талаб этилади.

17-масала.

Жадвал маълумотлари асосида аниқланг:

- 1) ҳар йили пул муомаласи тезлиги қандай;
- 2) пул муомаласи тезлиги ўзгаришида қандай тенденция кузатилмоқда?

Бунда шуни эътиборга олиш керакки, пул муомаласи тезлигининг ўсиши пул массаси ортишига тенг, бу эса инфляция жараёнларининг кучайишига хизмат қилади.

Жадвал

Йиллар	ЯММ млрд ДМ	Пул массаси (агрегат М1), млрд ДМ
2017	3601,1	938,0
2018	3678,6	1042,1

Реал ЯММни (ёки ЯММ ўзгармас нархларида ялпи ички маҳсулот) тавсифлаш учун дефлятордан фойдаланилади. Дефлятор бу – нарх ўсиши индексларидан бири бўлиб, у ўзгармас нархларга қайта ҳисоблаш коэффициентини ифодалайди.

$$\text{ЯММ (ёки ЯИМ) дефлятори} = \frac{T}{H}$$

бу ерда

T – жорий нархдаги ЯММ (ЯИМ);

H – ўзгармас нархларда ЯММ (ЯИМ).

18-масала.

Маълумки, 2017 й. ялпи миллий маҳсулот (ЯИМ) жорий нархларда 3624,0 млрд ДМ, 2011 йилги ўзгармас нархларда 3101,4 млрд ДМни ташкил қилган. ЯММ дефляторини аниқланг.

19-масала.

Йил давомида ойлик инфляция даражаси 3%га тенг. Йил давомидаги инфляция даражасини аниқлаш талаб қилинади.

20-масала.

Ойлик инфляция даражаси 10%. Йил давомидаги инфляция индекси ва йиллик инфляция даражасини аниқлаш лозим.

21-масала.

Ойлик инфляция даражаси 6%. Йил давомида инфляция индекси ва инфляция даражасини аниқлансин.

22-масала.

5 000 000 сўм миқдоридаги омонат банкка 3 йилга ҳар ой мураккаб фоизлар ҳисоблаш шартида қўйилган. Омонат бўйича йиллик ставка – 20%. Инфляция даражаси – ойига 4%. Аниқлаш керак:

- а) фоизлар билан бирга омонат миқдори;
- б) уч ой учун инфляция индекси;
- в) харид лаёқати нуқтаи назаридан фоизлар билан бирга омонат миқдори;
- г) харид лаёқати нуқтаи назаридан омонат қўювчининг реал даромади.

23-масала.

35 000 000 сўм миқдоридаги омонат банкка ярим йилга ҳар ой мураккаб фоизлар ҳисоблаш шартида қўйилган. Омонат бўйича йиллик ставка – 25%. Инфляция даражаси – ойига 2%.

Аниқлаш керак:

- а) фоизлар билан бирга омонат миқдори (S),
- б) 6 ой учун инфляция индекси (In),
- в) харид лаёқати нуқтаи назаридан фоизлар билан бирга омонат миқдори (Pr),
- г) харид лаёқати нуқтаи назаридан омонатчининг реал даромади (Д).

24-масала.

Банк 6 ой муддатга 100 млн сўм миқдорида кредит берди. Кутилаётган ойлик инфляция даражаси – 2%. Операциянинг талаб қилинадиган реал даромадлилиги – йиллик 5%.

Аниқлаш керак:

- а) кредит муддатида инфляция индекси (I_n),
- б) инфляцияни ҳисобга олган ҳолда кредит бўйича фоиз ставкаси (I_r);
- в) тўланадиган сумма (S),
- г) кредит бўйича фоиз миқдори (I).

25-масала.

10 млн сўм кредит 17.05.2019 й.дан 22.08.2019 й.гача бўлган муддатга берилган. Кредит беришда ҳисоблаймизки, кредитни тўлаш вақтига келиб нарх индекси 1,2 ни ташкил қилади. Кредит операциясининг талаб қилинадиган реал даромадлилиги – йиллик 4%. Йил давомидаги кунлар ҳисоб-китоб сони – 360 кун.

Аниқлаш керак:

- а) инфляцияни ҳисобга олган ҳолда кредит бўйича фоиз ставкаси (I_n),
- б) тўланадиган сумма (S_r);
- в) кредит учун фоиз миқдори (I).

26-масала.

Мамлакатда номинал ЯММ ҳажми 4000 млрд сўм, пул муомаласи тезлиги 4 га, пул мультипликатори эса – 0,16га тенг. Қанча миқдорда пул маблағлари зарур?

27-масала.

Мижоз 10 йил муддатга йиллик 9% ставкада 100 000 сўм миқдорида депозит киритди. У 10 йилдан кейин банкда оладиган пул миқдорини аниқлаш талаб этилади.

28-масала.

1 000 000 сўм миқдорида депозит қўйилма банкка 120 кунга 6% остида қўйилди. Мижоз 120 кундан кейин банкда оладиган пул миқдорини аниқлаш талаб этилади.

29-масала.

5 000 000 сўм миқдорида депозит қўйилма банкка олти ойга 6% остида қўйилди. Мижоз олти ойдан кейин банкда оладиган пул миқдорини аниқлаш талаб этилади.

30-масала.

Мижоз банкка саккиз ой муддатга 5% остида 1 500 000 сўм қўйди. У қанча даромад олишини аниқлаш зарур.

31-масала.

Фирма тижорат банкига шу йилнинг 9 ноябридан 21 ноябригача 128 млн сўм маблағ киритди. “Талаб қилиб олинадиган” қўйилмага йиллик 4% ҳисобланади. Фоизлар йилдаги тахминий кунлар сони билан оддий. Киритилган маблағга олинадиган даромадни аниқланг.

32-масала.

Корхона икки йил муддатга йиллик 15% ставкада 1000 млн сўм кредит олди, кредит муддати тугагач, у ссудани фоизлар билан қайтариб бериши лозим. Корхона қанча пул тўлаши лозим? Фоизлар оддий.

33-масала.

Фирма бир йил муддатга йиллик 24% ставкада 300 млн сўм миқдорида кредит олди. Тўланадиган кредит миқдорини аниқланг.

34-масала.

Ёш оила банкдан уй-жой қурилиши учун йиллик 18% оддий ставкада уч йил муддатга 160 млн сўм миқдорида ссуда олди. Кредит миқдори ва фоизларни аниқланг.

35-масала.

АТБ «Туронбанк» қуйидаги кўрсаткичларга эга: жами активлари – 68 415 442 минг сўм, акционерлик капитали – 4 923 322 минг сўм, ROA – 0,6%. Бундай вазиятда ROE кўрсаткичи даражаси қанчага тенг?

36-масала.

АТБ «Трастбанк» қуйидаги кўрсаткичларга эга: жами операцион даромадлар – 8 338 837 минг сўм, жами операцион харажатлар – 4 084 623 минг сўм, солиқ тўловлари – 586 963 минг сўм, жами активлар – 157 874 130 минг сўм, жами мажбуриятлар – 148 663 463 минг сўм. ROE кўрсаткичи даражаси қанчага тенг?

37-масала.

Фараз қилайлик, банк келгуси йилда ROA кўрсаткичи даражасини 1,25% га етказмоқчи. Гарчи ROE кўрсаткичининг режалаштирилган даражаси 12% тенг деб ҳисобласак, жами активлар ва капитал ўртасидаги нисбат қанчага тенг бўлади?

38-масала.

ХАТБ ўтган йили қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлган:	
солиқлар тўлангандан сўнгги соф фойда	23 477 минг сўм;
операцион даромадлар	582 963 минг сўм;
жами активлар	5 266 207 минг сўм;
акционерлик капитали	1 759 758 минг сўм.

Қуйидаги кўрсаткичларни ҳисобланг:

- Банк фойдасининг соф маржаси;
- активлардан фойдаланиш коэффиценти;
- капитал мултипликатори;
- ROE.

39-масала.

ОАТ «Банк» нинг трансакцион депозитлари ўртача тортилган миқдори 75 млрд. сўмга тенг (заҳираларни ҳисоблаш учун зарур бўлган ўртача бир ой давомида). Жамғарма ва муддатли депозитлари заҳираларни ҳисоблаш даврида ўртача 37 млрд. сўмга тенг бўлган, шу даврда банкнинг касса қолдиғи (нақд пуллар) 978 млн. сўмни ташкил қилган. Марказий банкнинг мажбурий заҳираларига ўтказмалар суммасини ҳисобланг.

40-масала.

АТ «Банк» нинг жами фоизли даромади 225 000 млн. сўмни, фоизли тўловлари эса 185 000 млн. Сўмни ташкил эди. Бир чора давомида 51 000 млн. сўмлик қўшимча фоизсиз даромад олинган, шу даврда фоизсиз харажатлар 72 000 млн. сўмга ошган. Бундай ҳолда банкнинг солиқлар тўлангунга қадар соф фойдасининг миқдори қанчага тенг бўлади?

**5A230701 – Банк иши (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги
бўйича мутахассислик фанларидан магистратурага кирувчилар
томонидан ёзилган ёзма ишнинг
БАҲОЛАШМЕЗОНИ**

1. “Банк иши (фаолият турлари бўйича)” мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчилар томонидан ёзилган ёзма иши Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВ томонидан белгиланган умумтартиб ва Низом қоидаларига амал қилинган ҳолда ўтказдирилади.

2. “Банк иши (фаолият турлари бўйича)” мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчиларни мутахассислик бўйича ёзма иши натижалари 100 баллик тизимда амалга оширилади.

3. “Банк иши (фаолият турлари бўйича)” махсус фанидан кириш имтиҳони ёзма усулда ўтказилади. Ҳар бир вариант 3 та саволдан иборат. Вариантдаги 3 та саволнинг ҳар биридан олиш мумкин бўлган балл миқдори қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ деб топилган яъни, биринчи ва иккинчи саволларнинг ҳар бирига максимал 30 баллдан жами 60 балл. Учинчи топшириқ, яъни масала учун максимал 40 балл.

№	Умумий балл	Магистратурага кирувчининг билим даражаси	Хусусий балл
1-савол бўйича			
1	26-30	Қўйилган саволлар мазмунан аниқ ёритилиб, демократик ислохотлар ва жараёнларнинг	

		мазмунан моҳияти тўлиқ очиб берилган; Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар таҳлили ва уларнинг амалий самаралари, натижалари ва ҳаётга тадбиқ этилиши бўйича мустақил, ижодий фикр мавжудлиги; Жавобларда мантиқий яхлитликка эришилган ва умумий хулосалар чиқариш қобилиятига эга; Имло ва стилистик хатоларга йўл қўйилмаган.	9-10 9-10 6-7 2-3
			26-30
2	21-25	Жавоб тўғри ёзилган, унда демократик янгилашни жараёнлар асосли ёритилган, аммо бугунги демократик янгилашлар амалиётида ноаниқликлар, саналарда чалкашликларга йўл қўйилган; Жавобда магистратурага кирувчининг мустақил мушоҳада юритиш қобилияти сезилади; Ижодий ёндошув мавжуд; Муаммони таҳлил қилиш қобилиятига эга.	7-8 6-7 5-6 3-4
			21-25
3	17-20	Саволга жавобда масаланинг моҳиятини тушунилган, аммо мазмун ва натижалар юзаки ёритилган; Мушоҳада баёнида фикр тарқоқлиги кузатилади; Жавобларда мантиқийлик тамойили бузилган; Тасаввурга эга, лекин таҳлил йўқ.	6-7 5-6 4-5 2-2
			17-20
4	0-16	Савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас; Умуман жавоб ёзилмаган; Нотўғри жавоб ва маълумот берилган; Ўқув адабиётидан айнан сўзма-сўз кўчирилган.	0-16
2-савол бўйича			
1	26-30	Қўйилган саволлар мазмунан аниқ ёритилиб, демократик ислоҳотлар ва жараёнларнинг мазмунан моҳияти тўлиқ очиб берилган; Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар таҳлили ва уларнинг амалий самаралари, натижалари ва ҳаётга тадбиқ этилиши бўйича мустақил, ижодий фикр мавжудлиги; Жавобларда мантиқий яхлитликка эришилган	9-10 9-10

		ва умумий хулосалар чиқариш қобилиятига эга; Имло ва стилистик хатоларга йўл қўйилмаган.	6-7 2-3
			26-30
2	21-25	Жавоб тўғри ёзилган, унда демократик янгиланиш жараёнлар асосли ёритилган, аммо бугунги демократик янгиланишлар амалиётида ноаниқликлар, саналарда чалкашликларга йўл қўйилган; Жавобда магистратурага кирувчининг мустақил мушоҳада юритиш қобилияти сезилади; Ижодий ёндошув мавжуд; Муаммони таҳлил қилиш қобилиятига эга.	7-8 6-7 5-6 3-4
			21-25
3	17-20	Саволга жавобда масаланинг моҳиятини тушунилган, аммо мазмун ва натижалар юзаки ёритилган; Мушоҳада баёнида фикр тарқоқлиги кузатилади; Жавобларда мантиқийлик тамойили бузилган; Тасаввурга эга, лекин таҳлил йўқ.	6-7 5-6 4-5 2-2
			17-20
4	0-16	Савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас; Умуман жавоб ёзилмаган; Нотўғри жавоб ва маълумот берилган; Ўқув адабиётидан айнан сўзма-сўз кўчирилган.	0-16
3-савол бўйича			
	34 – 40	Қўйилган масала мазмунан аниқ ёритилиб, иқтисодий ислоҳотлар ва жараёнларга билан боғлиқ ҳолда очиб берилган, шунингдек илмий ва илмий-техник ахборотлардан фойдаланган ҳолда тизимли таҳлил қилиб илмий хулосалар берилган бўлса; Амалий мисоллар доирасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар таҳлили ва уларнинг амалий самаралари, натижалари ва амалиётга тадбиқ этилиши бўйича мустақил, ижодий фикр ва мулоҳазаларни мавжудлиги, амалий масала тўлиқ бажарилган ва масалани ечишга илмий-ижодий ёндашилган бўлса; Жавобларда мантиқий яхлитликка эришилган ва умумий хулосалар чиқариш қобилиятига эга;	11-13 9-11 8-9

		Имло ва стилистик хатоларга йўл қўйилмаган; Илмий ва илмий-техник ахборот билан мустақил ишлаш, тизимли мустақил таҳлил қилиш, хулоса чиқариш.	6-7
			34-40
	29 – 33	Жавоб тўғри ёзилган, аммо бугунги иқтисодий ислоҳатлар амалиётида ноаниқликлар, саналарда чалкашликларга йўл қўйилган, амалий масала тўлиқ бажарилмаган лекин ечимига илмий-ижодий ёндашилган бўлса; Жавобда магистратурага кирувчининг мустақил мушоҳада юритиш қобилияти сезилади; Иждодий ёндошув мавжуд; Амалий масалани таҳлил қилиш қобилиятига эга;	11-12 8-9 6-7 4-5
			29-33
	22 – 28	Масаланинг моҳиятини тушунилган, аммо мазмун ва натижалар юзаки ёритилган, амалий масала тўлиқ бажарилмаган бўлса; Мушоҳада баёнида ва масалани ечишда фикр тарқоқлиги кузатилади; Жавобларда мантиқийлик тамойили бузилган. Масалани ёритишда ва уни амалий жиҳатдан асослашда тасаввурга эга, аммо таҳлил ва хулоса йўқ;	8-9 7-8 4-6 3-5
			22-28
	0 – 21	Амалий масала бўйича аниқ тасаввурга эга эмас; Умуман жавоб ёзилмаган; амалий масаланинг ечими йўқ; Нотўғри жавоб ва маълумот берилган; Ўқув адабиётидан айнан сўзма-сўз кўчирилган.	0-16

Балл	Кирувчининг билим даражаси
1	2
86-100	Кирувчининг жавобларида берилган саволлар бўйича иждодий фикрлаш мавжуд бўлса, мамлакатимизда модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш, демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиққан вазифаларни бажариш йўллари ўз аксини топган бўлса, қўйилган муаммони ечиш бўйича тавсиялар

	берган бўлса, савол бўйича жавобда мустақил мушоҳада юритилган бўлса, тавсияларни амалиётга қўллаш тартиблари кўрсатилган бўлса.
71-85	Кирувчи ўз жавобида қўйилган савол бўйича мустақил мушоҳада юритган бўлса, уларнинг моҳиятини деярли тўлиқ очиб берган бўлса, қўйилган муаммони ечиш бўйича ўз тавсияларини берган бўлса.
55-70	Кирувчи жавобида фан бўйича вариантга киритилган саволларга қисман жавоб берган бўлса, асосий тушунчаларга берган изоҳи кам бўлсада, мавжуд бўлса.
0-54	Кирувчи жавобида қўйилган савол мазмуни умуман ёритилмаган бўлса, изоҳлар мавжуд бўлмаса, яъни талабгор жавобида қўйилган саволлар бўйича умуман тасаввурга эга эмаслиги аниқ бўлса.

Тавсия қилинган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги ЎРҚ-580-сон “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги ЎРҚ-582-сон “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлдаги ЎРҚ-630-сон “Инновацион фаолият тўғрисида” ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрдаги ЎРҚ-578-сон “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида” ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ““Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-6079-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4699-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3270-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3620-сонли Қарори.
11. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 488б.
12. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, -2017. - 104 б.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.
15. Frederic S.Mishkin. The economics of money, banking and financial markets. Pearson Education Limited. 2015. 695 pages.

16. Jesus Huerta de Soto. Money, bank credit, and economic cycles. Union Editorial. 2009. 885 pages.
17. Абдуллаева Ш.З. “Банк иши”. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2017 й. -732 б.
18. Азизов У.Ў. ва бошқалар. Банк иши. Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2016. – 640 б.
19. Омонов А.А, Қоралиев Т.М. “Пул ва банклар” Дарслик. Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019 й. – 461 б.
20. Абдуллаева Ш.З. ва б. “Пул ва банклар” Дарслик. Т.: - “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019 й. – 628 б.
21. Банки и небанковские кредитные организации и их операции: Учебник. / Под ред. Е.Ф. Жукова, Н.Д. Эриашвили. - М.: ЮНИТИ, 2014. - 559 с.
22. Деньги, кредит, банки. Экспресс-курс : учеб. пособие / под ред. О. И. Лаврушина. – 3-е изд., перераб. и доп. – М. : КНОРУС, 2016.- 544 с.
23. Деньги, кредит, банки : учеб. / под ред. Г. Н. Белоглазовой. – М.:Высшее образование, 2018.- 245с.
24. Кузнецова, Е.И. Деньги, кредит, банки: Учебное пособие / Е.И. Кузнецова. - М.: ЮНИТИ, 2019. - 567 с.
25. Селищев, А. С. Деньги. Кредит. Банки / А. С. Селищев. - СПб.: Питер, 2017. - 245 с.
26. Болвачев, А.И. Деньги, кредит, банки: Учебник / Е.А. Звонова, М.Ю. Богачева, А.И. Болвачев; Под ред. Е.А. Звонова. - М.: НИЦ ИНФРА-М, 2016. - 592 с.
27. Варламова, М.А. Деньги, кредит, банки: Учебное пособие / М.А. Варламова, Т.П. Варламова, Н.Б. Ермасова. - М.: ИЦ РИОР, 2017. - 128 с.
28. Владимирова. М. П. Деньги, кредит, банки : учеб. пособие / М. П. Владимирова. – 3-е изд., перераб. и доп. – М. : КНОРУС, 2017. - 245 с.
29. Галицкая, С. В. Деньги, кредит, финансы: учеб. / С. В. Галицкая. М.: Эксмо, 2016. - 456с.
30. Эскиндаров М.А., Звонова Е.А. Международные валютные отношения. Учебник. – М.: КНОРУС, 2018. – 540 с.

Интернет-сайтлар

31. <http://www.gov.uz>
32. <http://www.uba.uz>
33. <http://www.lex.uz>
34. <http://www.cbu.uz>
35. <https://www.norma.uz>
36. <http://www.stat.uz>
37. <http://www.imf.org>
38. <http://www.bpk.uz>

39. <http://www.sciencedirect.com>
40. <http://www.reader.elsevier.com>
41. <http://www.scopus.com>